

TRANSPORT-ЛОГИСТИКА ТИЗИМИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Файзуллаев Жавлонбек Султонович

ТДИУ “Тармоқлар иқтисодиёти”

кафедраси доцент в.б., PhD.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ҳамда халқаро интеграциянинг кенгайиб бораётганлиги шароитида денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконияти чекланган мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда транспорт логистика мажмуасини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, жаҳон транспорт хизматларининг ЯИМ таркибидаги миқдори 4,3 трлн. АҚШ доллари (6,9%) ҳажмида баҳоланиб, йилига 110 млрд. тонна юк ва 1 трлн. дан ортиқ йўловчилар ташилган, транспорт инфратузилмасида банд бўлган ходимлар сони 100 млн. кишини ташкил этади¹. Дунёда заманавий логистика технологиялари муваффақиятли ривожланмоқда.

Шу боисдан иқтисодиётни инновацион ривожланишини таъминлаш учун мамлакатда “транспорт-логистика тизимлари” ва “транспорт-логистика марказлари”ни ташкил этиш зарурати юзага келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида транспорт тармоғининг улуши 11 фоизни ташкил этмоқда. Бу, ўз навбатида, унинг йирик тармоқлигини, бошқа соҳалар ривожланишига юқори даражада таъсир кўрсатувчи инфратузилмавий соҳа эканлигини кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз транспорт тизимида темир йўл транспорти етакчи мавқега эга бўлиб, айти пайтда умумий ташилаётган транзит юкларнинг 93 фоизи, йўловчиларнинг эса 98 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келмоқда[1]. Мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғи ва миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашувининг муҳим омили сифатида транспорт ва логистика соҳаларининг сифат жиҳатидан жадал ривожлантириш юзасидан кенг қамровли ва мақсадли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Транспорт тизимининг ҳолати ва ривожланиши Ўзбекистон Республикаси учун жуда муҳим аҳамият касб этади, чунки у бошқа инфратузилма тармоқлари билан бирга жамият фаолияти учун асосий шароитларни таъминлайди, ижтимоий-иқтисодий ва ташқи сиёсат мақсадларига эришишда муҳим элемент сифатида хизмат қилади. Умумий темир йўл тармоғининг барқарор ва самарали фаолияти Ўзбекистон Республикаси ягона иқтисодий маконини таъминлаш, унинг ҳудудида саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича турли тармоқларни янада ривожлантириш, мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ва шароитини яхшилаш, Ўзбекистон фуқароларининг сафарбарлигини оширишнинг зарур шarti ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг логистика самарадорлик индексига назар ташланса, энг юқори натижалар айнан инфратузилма ва ўз вақтида етказиб бериш индикаторларида нисбатан ижобийлиги кузатиш мумкин, аммо айрим хорижий мамлакатларнинг логистика самарадорлик кўрсаткичлари билан таққослаганда сезиларлича пастлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

¹ The World Bank: World Development Indicators. <http://data.worldbank.org/indicator>

1-жадвал

Қиёсланаётган давлатларнинг логистика самарадорлик индекси²

Давлат	ЛСИ рей тинги	Божхона	Инфра- тузилма	Халқаро ташувлар	Логистика рақобат	Кузатув ва рақобат	Ўз вақтида етказиш
Япония	5	3.99	4.25	3.59	4.09	4.05	4.25
АҚШ	9	3.77	4.03	3.67	4.05	4.11	4.33
Хитой	12	3.29	3.75	3.54	3.59	3.65	3.84
Австралия	18	3.87	3.97	3.25	3.71	3.82	3.92
Қозоғистон	71	2.66	2.55	2.73	2.58	2.78	3.53
Ўзбекистон	99	2.10	2.57	2.42	2.59	2.71	3.09

Мазкур давлатларда логистика хизматлари ташув ҳажмининг юқорилиги эвазига юқори тежамкорлик имкониятини яратади ҳамда инновацион ва технологик ўзгаришлар, янгиликларнинг манбаси ҳисобланади. Мамлакатимизда мультимодал логистика марказлари етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, экспорт ва импорт операциялари учун кетадиган вақт, юкни кузатиб бориш ва назорат қилиб бориш каби кўрсаткичлар пастлиги сабабли, 160 та давлат ичида Ўзбекистон мос равишда 99 ўринни эгаллаган.

Транспорт-логистика хизматларининг кенг кўламли номенклатураси ва уларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши мумкин бўлган кенг диапазон, хизматларнинг рақобатбардошлилигига ва сарф-харажатлар қийматида кўрсатиши мумкин бўлган таъсири, шу билан бир қаторда, бошқа омиллар корхона учун истеъмолчиларга логистика хизмати кўрсатиш соҳасида аниқ, муайян стратегияга эга бўлиш заруратини тақозо этади. Транспорт турларида юк ташиш харажатларининг қиёсий таҳлили келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Транспорт турларида юк ташиш харажатларининг қиёсий таҳлили³

20 тонна юкни 1км.га автомобилда ташиш нархи (текстил маҳсулоти мисолида)				
Ўзбекистон	Қозоғистон	Қирғизистон	Тожикистон	Туркменистон
2,45 \$	1,70 \$	1,55 \$	1,35 \$	0,92 \$
1 та стандарт вагон юкни 1 км.га ташиш нархи (100 км.гача)				
Ўзбекистон	Қозоғистон	Қирғизистон	Тожикистон	Туркменистон
7,29 \$	4,24 \$	2,65 \$	6,83 \$	2,65 \$
Экспорт ва импорт учун керакли процедура ҳужжатлари сони				
10/11	10/12	9/10	11/12	6/5

Қиёсий асосдаги нархлар таҳлиliga эътибор қаратилса, юртимиз ишлаб чиқарувчиларининг бир мунча харажатлари юқорилигини кўришимиз мумкин. Масалан, бир стандарт вагон юкни (60 тонна тўқимачилик маҳсулоти) бир километрга етказиб бериш учун темир йўл транспорти хизматида 7,29 доллар тўлашга тўғри келади. Худди шу кўрсаткич қўшни Қозоғистонда 4,24 долларни, Қирғизистонда 3,65 долларни, Тожикистонда 6,83 долларни, Туркменистонда 2,65 долларни ташкил этмоқда. Бу эса, юртимиз темир йўл транспортининг халқаро ташувларда рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. 2009 йилдан 2019 йилгача транспорт хизматлари таннархи бўйича сарф-харажатлар ўрганиб чиқилди (3-жадвал).

² Жаҳон банки маълумотлари // www.worldbank.org/international/lpi/global-ranking, 2018.

³ Мавжуд маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакиллантирилган.

3-жадвал

Транспорт таннархи таркибининг ўзгариши,⁴ %

№	Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
I.	Транспорт	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
1.1	Иш ҳақи харажатлари	8,4	6,7	7,4	6,9	6,3	6,1	6,4	7,4	7,4	7,5	8,3
1.2	Амортизация	3,6	7,1	9,9	9,3	9,6	9,1	8,1	8,4	9,6	10,3	12,3
1.3	Моддий харажатлар	48,6	41	45,6	41,6	49,2	56,1	51,9	52,3	48,5	44,8	37,0
	Шундан, ёқилғи (энергия) харажатлари	11,8	9,3	9,8	11,3	11,8	10,3	9,4	11,5	10,4	9,3	9,6
1.4	Бошқа харажатлар	39,4	45	37,1	42,2	34,9	28,7	33,6	31,9	34,5	37,4	42,4

Маълумки, транспорт воситалари орқали бажариладиган ишларнинг умумий қиймати қарийб 9,6 фоизини ёқилғи (энергия) ва мойлаш материалларига сарфланадиган харажатлар ташкил қилади. Ўзбекистон транспорт соҳасида ёқилғи ресурсларининг истеъмоли, мана шу қийматга нисбатан умумий хизмат кўрсатиш таннархини шакллантиради. Бунда транспорт таннархи таркибига кирувчи иш ҳақи умумий харажатларнинг 8,3% ни ташкил қилмоқда. Ушбу кўрсаткич Европа Иттифоқида 50-52 фоизни, бошқа харажатлар эса 40,2 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, амортизация сарф-харажатлари учун Ўзбекистонда 12,3 фоизни, Европа Иттифоқида эса бу кўрсаткич 6-7 фоизни ташкил этади.

Бугунги логистика тизимида ортиқча бўғинларнинг мавжудлиги саноат маҳсулоти таннархига салбий таъсир кўрсатиб, бунга асосан логистик занжирининг тарқоқлиги – етказувчидан қабул қилувчига қадар маҳсулотларни ортиқча даражада ортиш ва тушириш бўғинлари мавжудлиги сабаб бўлмоқда. Бу ўз навбатида ишлаб чиқарувчи томонидан транспорт-логистика хизматиға жаҳон андозаларига ҳилоф равишда кўпроқ харажат қилишиға олиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, транспорт-логистика тизими ҳамда тегишли инфратузилманинг ривожланиш даражаси жаҳон стандартларидан ортда қолмақда. Бугун юртимизда фаолият юритаётган транспорт-логистика операцияларининг асосий қисми 1PL ҳамда 2PL форматда, холос. 3PL форматда фаолият кўрсатаётган компаниялар етарли эмас. Бугунги кун транспортнинг барча турларини (автомобиль, темир йўл, авиация, денгиз) қамраб олувчи йирик логистика операторларига эга корхоналар фаолиятини ташкил этишни тақозо қилмоқда, яъни транспорт турлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўювчи йирик операторлар етишмаяпти. Ушбу ҳолат юк ташиш жараёни билан боғлиқ муаммоларға сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, транспорт-логистика тизимини ривожланиш жараёни суст даражада кечишиға қуйидаги муаммолар таъсир кўрсатмоқда:

- контейнер ташув ҳажми етишмаслиги;
- темир йўл транспортида юк ташиш нархларининг юқорилиги;
- 3PL ва 4PL даражадаги логистик хизмат провайдерларининг ривожланмаганлиги;
- темир йўл вагонларининг 60% га яқин қисми 20-30 йил давомида, 13% эса 30 йилдан ортиқ хизмат кўрсатиб келмоқда;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

- халқаро ташувларда 1,5% рефрижератор автомобиллари иштирок этиб (талаб 15-20%), ушбу кўрсаткич темир йўл вагонларининг 4% ни ташкил этади;
- транспорт-логистика тизимида ягона бошқарув механизми мавжуд эмаслиги;
- бугунги кунда йўлга қўйилган транспорт-логистика тизимини мувофиқлаштириш механизмнинг ишламаётганлиги;
- транспорт-логистика тизимини умумий назорат қилиш методикасини тизимга солинмаганлиги;
- 2017 йилда халқаро ташувларда иштирок этган юк автомобилларининг 68% ишлаб чиқарилганига 15 -20 йил, 10% эса, 20-30 йил бўлган;
- халқаро ташувларда контейнер ташувлари улуши 7-8% ни ташкил этади (ЕИда – 14%, Хитойда – 51%);
- мамлакат автомагистралларининг 70%дан ортиғи транспорт воситаларининг оптимал ҳаракатланиш тезлигини таъминлай олмайди;
- омборхона хўжалиги асосий фондларининг 30 %га яқини жисмоний ва маънавий эскирган;
- юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаштириш даражаси 20-30 % ни ташкил этади.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, юқоридаги муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги асосий концептуал йўналишлар белгилаб олиниши, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Транспорт-логистика хизматлари нархларининг ошиш суръатларини пасайтириш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга ошириш лозим:

- тарифларни белгилаш принципларини ўзгартириш ва босқичма-босқич янги тариф тизимига ўтиш, тузатиш коэффицентлари сонини камайтириш, темир йўл орқали ташишни ҳар томондан маблағ билан таъминлаш турларини камайтириш;

- ўз локомотив ва вагонларига эга бўлган темир йўл транспортида юк ташишга мўлжалланган хусусий компаниялар ташкил этилиши учун шарт-шароитлар яратиш орқали темир йўлда юк ташиш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш;

- контейнерларда ташилган юкларнинг транспортга сарфланадиган тўловларини 10 фоизга камайтириш учун контейнерда ташишни 25-30 фоизга ошириш зарур.

2. Қуйидагилар орқали транспорт-логистика тизимининг бошқариш самарадорлигини ошириш учун минтақаларда мультимодал транспорт-логистика марказлари тармоғини кенгайтириш:

- юк ташиш, интермодал ва мультимодал юк ташишларнинг норматив ҳамда ҳуқуқий базасини, техник ва технологик регламентини ҳамда стандартларини, логистика марказларини, транспорт-экспедиторлик фаолиятини халқаро стандартларга мос ҳолда уйғунлаштириш;

- мультимодал ташишлар самарали бўлишини таъминлаш учун интеграциялашган ахборот тизимини ташкил этиш;

- божхона логистика марказларининг миллий тармоғини шакллантириш, уларда транспорт-логистика операциялари камида ZPL даражада бўлишини таъминлаш лозим.

Шундай қилиб, транспорт-логистика тизимини самарали ривожланиши бутун ишлаб чиқариш ва моддий ресурслар тежамини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг жадаллашуви, транспорт харажатларининг камайиши ва иқтисодиёт тармоқларини ривожланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йилги маълумотлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. 2019.
4. Файзуллаев Ж.С. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. – Тошкент, ТДИУ. 2016. – №1, 6 б. www.iqtisodiyot.uz. (08.00.00; №10).

5. Файзуллаев Ж.С. Замонавий транспорт-логистика тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. - Тошкент, ТДИУ. 2017. – №1, 8 б. (08.00.00;№10).
6. Файзуллаев Ж.С. Транспорт-логистика тизимини бошқаришда тарифли тартибга солиш механизминини такомиллаштириш // Иқтисодиёт ва таълим.-Тошкент, 2018. – №1. 6.38-41. (08.00.00;№11).
7. Файзуллаев Ж.С. Интеграциялашган транспорт тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. - Тошкент, ТДИУ. 2018. – №6, 7 б. (08.00.00;№10).
8. Fayzullayev J.S. The economic-mathematical model of the organization activity of the modern transport-logistics system. // Бюллетень науки и практики – Bulletin of Science and Practice научный журнал (scientific journal). 2018. №5 (4). С. 345-352. DOI:10.5281/zenodo.1147072. Impact Factor (5) GIF – 0.454; (21) Info Base Index – 1.4; (17) OAJI – 0.350, (43) (UIF) – 0.1502; (4) JCR – 1.021.
9. Fayzullayev J.S. Effective management methodology of integrated transport-logistics system // International Journal of Advance and Innovative Research. 2019. Volume 9, Issue 1 (I). Impact Factor (5) GIF – 0.676.
10. Fayzullayev J.S. Evaluation of efficiency of transport - logistics system. // XLVII International correspondence scientific and practical conference «International scientific review of the problems and prospects of modern science and education» (Boston. Usa. July 24-25, 2018). 62-65.
11. Fayzullayev J.S., Increasing the efficiency management of 3PL and 4PL logistics companies in the railway system. // «Стратегия действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития» Международная научно-практическая конференция. Тошкент. 2018. 28-29 мая. С.37-42.
12. Файзуллаев Ж.С. Транспорт-логистик хизматлар харажатларини ҳисоблашнинг замонавий усуллари. // «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбарлошлигини оширишда халқаро стандартларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги Республика илмий мақолалар ва маъруза тезислари тўплами. Тошкент. 2018. Б. 188-191.
13. Файзуллаев Ж.С. Темир йўл тармоғида транспорт-логистика тизимини бошқариш бўйича хориж тажрибаси. // «Туризм бизнесини ривожлантиришнинг илғор хорижий тажрибалари ва уни Ўзбекистонда қўллаш истиқболлари» халқаро илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. Тошкент. 2017. Б. 462-466.